



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 октябр кунги 495-сонли хатингиз асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Қувасой шаҳар Қалача МФЙ ҳудуди ва унга ёндош МФЙда яшовчи 8500 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйндагиларни бажарилиши тавсия этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Қувасой шаҳар Қалача МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 550 м<sup>3</sup> ҳисобланиб, улаиш нуқтаси: Қалача МФЙ ҳудудига гидрогеология хулосасига асосан 1 дона ичимлик сув иншооти қуриш, 2 дона ичимлик сув қудуғи қазииш, 2 дона сув суклаш ховузи (резервуар) қуриш, 2 дона замонавий 1-босқич (WILO) сув насоси ўрнатиш, 1 дона ТП ўрнатиш ва 2 томонлама электр тармоғи тортиш, хлорлаш хонаси қуриш, иншоот химоя ҳудудини ўраш ҳамда Қалача МФЙ ҳудудига лойиха асосида 3,0 км Д-200 ммли ва 3,0 км Д-110 ммли ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Қувасой шаҳар бўлими бош муҳандиси билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи:

А.Абдубоқиев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Қувасой шаҳар бўлими бош муҳандиси:

Н.Шайпов

Баж: ИЧБ  
А.Ходихужаев

